**«ТАСДИҚЛАНГАН»**
**«O'ZSUVLOYIHA» АЖ**
**акциядорлари умумий йиғилишининг**
**2016 йил «21» июндаги қарори билан**
**(2016 йил 21» июндаги рақамсиз**
**баённома)**
**Йиғилиш раиси**

**Мухиддинов У.Н.**

# «O'ZSUVLOYIHA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

**Тошкент ш. – 2016**

**Тошкент ш. – 2016**

**МУНДАРИЖА**

I. Умумий қоидалар

II. Ички назорат тизимининг тамойиллари

III. Ички назорат тизиминг таркибий қисмлари

IV. Хатарларни баҳолаш

V. Ички назорат тизимининг тартиб-таомиллари

VI. Жамият ички назорат тизимининг фаолиятини ташкил қилиш

VII. Ички назорат учун маъсул органлар ва шахслар

VIII. Жамиятнинг ички назорат органлари аъзоларининг таркиби ва малакасига бўлган талаблар

IX. Жамият ички назорат органларининг акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, миноритар акциядорлар қўмитаси ва жамият акциядорлари билан ўзаро ҳамкорлик юритиш тартиби

X. Ички назорат тизимида ҳисоботлар таркиби ва уни шакллантириш регламенти

XI. Ички назорат тизими мониторинги ва жамиятда ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб этиш тартиби

XII. Жамиятнинг ички назорат органларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни ҳисоблаш тартиби

XIII. Ахборотни ошкор этиш

XIV. Якуний қоидалар

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «O'ZSUVLOYIHA» акциядорлик жамиятининг ички назорати тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, «O'ZSUVLOYIHA» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Жамиятнинг ички назорат тизимининг мақсад ва вазифаларини, унинг фаолият юритиш тамойилларини, ички назоратнинг таркибий қисмлари ва тартиб-таомилларини, шунингдек Жамиятнинг ички назорат учун масъул органлари ва шахсларини белгилайди.

3. Ушбу Низом Жамиятда ички назорат тизимининг самарали фаолият юритишини ташкил этиш, хатарларни бошқариш, барча акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

4. Ушбу Низом Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари, Жамитнинг мансабдор шахслари ва ходимлари учун риоя этилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

## II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

6. Узлуксиз фаолият юритиш – ички назорат тизимининг доимий ва тегишли тарзда фаолият юритиши Жамиятга меъёрдан ҳар қандай чекинишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг келгусида юзага келишини огоҳлантириш имконини беради;

7. Ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахснинг назорат функцияларини сифатли тарзда бажариши ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

8. Мажбуриятларни тақсимлаш – Жамият назорат функциялари такрорланмаслигининг олдини олишга ҳаракат қилади, бу функциялар ходимлар ўртасида шундай тартибда тақсимланиши лозимки, бир шахснинг ўзи алоҳида активлар бўйича операцияларни тасдиқлаш, активларнинг сақланишини таъминлаш ва уларни хатловдан ўтказиш бўйича операциялар ҳисоби билан боғлиқ функцияларни ўзида бирлаштирмаслиги зарур;

9. Операцияларни тегишли тарзда маъқуллаш ва тасдиқлаш – Жамият барча молия-хўжалик операцияларини ваколатли шахслар томонидан уларнинг тегишли ваколатлари доирасида тасдиқлаш тартибини ўрнатишга ҳаракат қилади;

10. Жамиятнинг кундалик ички назоратни амалга оширадиган, аудит бўйича қўмита орқали бевосита Кузатув кенгашига функционал ҳисобдор бўлган ташкилий алоҳида ажралган бўлинмасини таъминлаш;

11. Жамиятда фаолият юритаётган барча ички назорат субъектларининг назорат функцияларини тегишли тарзда бажарганлик учун жавобгарлиги;

12. Жамиятнинг барча бўлинмаларининг аниқ ва пухта ҳамкорлиги асосида ички назоратни амалга ошириш;

13. Доимий ривожлантириш ва такомиллаштириш – Жамият ички назорат тизимини янги вазифаларни ҳал этиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштиришни инобатга олган ҳолда, мослашиши учун қулай тарзда созлашга шароит таъминлашга интилади;

14. Меъёрдан четга чиқишлар тўғрисидаги хабарларни беришнинг долзарблиги – Жамиятда меъёрдан четга чиқишларни бартараф этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга шахсларга тегишли ахборотни беришнинг энг қисқа муддатлари белгиланган;

15. Ички назорат тизими мураккаблик даражасининг назорат юритилаётган объектнинг мураккаблик даражасига мувофиқлиги;

16. Жамият фаолиятининг назорат ўрнатилган жабҳаларининг устиворлигини белгилаш – ички назорат тизими қамраб олган стратегик йўналишлар уларнинг фаолиятининг самарадорлигини ўлчаш («чиқим – иқтисодий самара» нисбати) мушкул бўлса-да, алоҳида кўрсатилади.

17. Турли типдаги объектлар ички назоратининг комплекс характери.

## III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

18. Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади:

19. Ўз ичига ахлоқий қадриятларни ва Жамият ходимларининг омилкорлигини, раҳбарият сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш усулини, ходимларнинг малакасини ошириш ва ташкил қилиш тузилмасини, шунингдек Кузатув кенгаши томонидан бошқариш ва раҳбарлик қилишни олган назорат муҳити;

20. Турли босқичларда ва ички кетма-кетликда ўзаро боғланган алоҳида вазифаларга эришишдаги тегишли хатарларни мослаштириш ва таҳлил қилишни ифодаловчи хатарларни баҳолаш;

21. Сиёсатни ва раҳбариятнинг қарорлари ва маъқуллаш, санкциялаш, тасдиқлаш, текширувлар ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активларнинг хавфсизлигини кафолатлаш ва ваколатларни тақсимлаш каби хилма-хил ҳаракатларнинг бажарилаётганлигини кафолатлашга кўмаклашадиган тартиб-таомилларни умумлаштирадиган назорат бўйича фаолият;

22. Маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлаш, уларни рўйхатга олиш ва шу жумладан барча ички назорат субъектларида Жамиятда қабул қилинган ички назорат сиёсати ва тартиб-таомилларини тушунишни шакллантириш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ахборот алмашишнинг самарали каналларини ташкил этишни ўз ичига олган маълумотлар билан алмашишга йўналтирилган ахборот алмашиш ва ахборот

таъминоти бўйича фаолият. Жамият ахборотдан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш учун чоралар кўради;

23. Мониторинг – бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига оладиган жараён, бу жараёнда тизимнинг иш сифати вақт ўтиши билан баҳоланади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи хатоларнинг юзага келиш эҳтимоллигини белгилаш, ушбу хатоларнинг муҳимлигини ва ички назорат тизимининг кўзланган вазифаларни бажарилишини таъминлаш қобилиятини аниқлаш учун амалга оширилади.

## IV. ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ

24. Жамият фаолиятига тааллуқли хатарларнинг муайян турларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқариш Жамиятнинг бошқарув органлари ва тузилмавий бўлинмалари томонидан Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ амалга оширилади.

25. Жамият бошқарув органлари, назорат органлари ва Жамият тузилмавий бўлинмалари ўртасида хатарларни тезкор ва стратегик бошқариш учун зарур бўлган самарали ахборот алмашишни амалга оширади.

26. Кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширадиган **Аудит бўйича қўмитани** ташкил этиши мумкин:

хатарларни бошқариш ва ички назорат тизимининг ишончлилигини ва самарадорлигини назорат қилиш, шу жумладан Жамият ички назорати ва хатарларни бошқариш тартиб-таомилларининг самарадорлигини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ички назорат ва хатарларни бошқариш соҳасига доир сиёсатнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

## V. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ

27. Ички назорат тартиб-таомиллари – бу ички назорат органлари, бошқарув органлари, шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан амалга ошириладиган ва молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва Жамият ички ҳужжатларининг бузилишини аниқлашга, Жамият томонидан кўзланган мақсадларга, шунингдек ички назорат субъектларининг ички назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигига эришиш самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган тадбирлар мажмуидир.

28. Ички назорат тартиб-таомиллари Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ Жамиятни бошқаришнинг барча босқичларида амалга оширилади ва қуйидагиларни назарда тутади:

-Жамиятни бошқаришнинг турли босқичларидаги ўзаро боғлиқ ва бир-бирига зид бўлмаган мақсад ва вазифаларни белгилаш;

-ваколатларни ва жавобгарликни чеклаш;

-Жамият мақсадларига эришишга халал бериши мумкин бўлган бўлажак хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

-Жамият тузилмавий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

-самарали ахборот алмашишни ташкил этиш, шу жумладан Жамият фаолияти тўғрисидаги операцион, молиявий ва бошқа ахборотлардан таркиб топган ҳисоботлар ва хабарларни шакллантириш;

-Жамиятнинг учинчи шахслар билан ўзаро самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

-Жамиятнинг барча ходимларига уларнинг ички назорат жабҳасидаги мажбуриятларини маълум қилиш;

-Жамият тузилмавий бўлинмалари ишининг мезонларини белгилаш ва самарадорлигини баҳолаш;

-ҳодиса, операция ва транзакцияларни ҳисобга олишнинг бир хил усулларидан фойдаланиш;

-Жамият активларининг ва мол-мулкининг сақланишини текшириш;

-операцияларни фақат тегишли ваколатлар берилган шахслар томонидан тасдиқлаш ва амалга ошириш;

-Жамият ходимлари ўртасида муҳим мажбуриятларни тақсимлаш (шу жумладан, операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операциялар ҳисобини юритиш, захираларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш мажбуриятлари);

-ички назорат тартиб-таомилларини тегишли тарзда ҳужжатлаштириш;

-ички назорат тартиб-таомилларининг самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш.

29. Ички назорат тартиб-таомиллари қуйидагича бўлиши мумкин:

-огоҳлантирувчи – нохуш ҳодисалар содир бўлишига йўл қўймаслик учун;

-аниқловчи (топувчи) – содир бўлган нохуш ҳодисани аниқлаш учун;

-ундовчи – кутилаётган ҳодисанинг содир бўлишига кўмаклашиш учун;

-тузатувчи – содир бўлган нохуш ҳодиса оқибатларини бартараф этиш учун;

-рағбатлантирувчи – мавжуд назорат воситаларининг ожиз жиҳатларини тўлдириш учун.

30. Жамиятдаги ички назорат тартиб-таомиллари ўз таркибига, шу жумладан қуйидагиларни киритади:

-келишиш – тегишли ваколатларга эга турли бўлинма ва бошқарув босқичлари ходимлари томонидан ҳужжатларни маъқуллаш;

-авторизациялаш – ходимларнинг операцияларни амалга ошириш учун рухсатга эга бўлишлари;

-қиёслаш – турли манбалардан олинган ахборотнинг тўлиқлигини, аниқлигини, бир-бирига зид бўлмаслигини ва тўғрилигини текшириш, шу жумладан бухгалтерлик ҳисоби моддаларида, ҳисоб тизимларида, Жамият ва унинг контрагентларининг ҳисоб маълумотларида тафовут бўлмаслигини назорат қилиш;

-арифметик назорат – ҳисобларнинг арифметик тўғрилигини текшириш, шу жумладан молиявий, бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатларда назорат суммаларини ҳисоблаш;

-меъёрлардан чекинишларни таҳлил қилиш – фаолиятнинг ҳақиқий кўрсаткичларини режавий кўрсаткичлар, прогнозлар, ўтган даврлардаги маълумотлар, рақобатчиларнинг фаолияти натижалари билан қиёслаш асосида кўзланган мақсадларга эришиш ва белгиланган режаларни бажариш даражасини баҳолаш;

-активларнинг сақланишини жисмоний назорат қилиш – активлардан, сақлаш хоналаридан ва ҳужжатлардан жисмоний фойдаланишни чеклаш, активлар сақланадиган жойларни тегишли тартибда жиҳозлаш, моддий жавобгарлик шартномаларини тузиш;

-хатловдан ўтказиш – бухгалтерлик ҳисобининг ишончлилигини ва Жамият активларининг сақланишини таъминлаш мақсадида активларнинг ва мажбуриятларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва сифатли таърифга эка эканлигини аниқлаш ва баён этиш;

- ахборот технологияларининг (компьютер назоратининг) умумий ва махсус назорат тартиб-таомиллари – фойдаланишни, маълумотларни бутунлигини, ахборот тизимларига ўзгартиришлар киритилганлигини ва ҳоказоларни назорат қилиш.

31. Муайян назорат тартиб-таомилларининг мазмуни бошқарув ва функционал йўналтирилганлик даражасига боғлиқ бўлиб, тузилмавий бўлинмалар томонидан Жамият мақсадларига ва тузилмавий бўлинма вазифаларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқилади ва Жамиятнинг ички ҳужжатларга асосан белгиланади.

32. Ички назорат тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш, ҳужжатлаштириш, жорий этиш, бажариш, мониторинг юритиш ва такомиллаштириш бўйича мажбуриятлар Жамият тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги низомларда ва Жамият ходимларининг мансаб йўриқномаларида тегишли тарзда юклатилади.

## VI. ЖАМИЯТ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

33. Ички назорат вазифаларини ҳал этиш Жамият ички назорат органи ва Жамият бошқарув органлари шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахслари ва барча ходимлари (кейинги ўринларда – ички назорат субъектлари)нинг қўшма саъй-ҳаракатлари ва ўзаро самарали ҳамкорликлари асосида таъминланади.

34. Ички назорат тизими функционал жиҳатдан қуйидаги йўналишларга бўлинади:

***назорат***, унинг асосий вазифаси Жамиятнинг амалдаги фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатларига, меъёрий актларга, Жамиятнинг Уставига ва ички ҳужжатларига мувофиқлигини кузатиш ҳисобланади;

***ички аудит***, унинг асосий вазифаси Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари ва филиаллари фаолиятини ва уларнинг хўжалик операцияларини амалга оширишларини назорат қилиш ҳисобланади;

***хатарларни бошқариш***, унинг асосий вазифаси Жамият фаолияти давомидаги (бўлажак ва реал) хатарларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва реал хатарлар оқибатларини бартараф этиш, уларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳисобланади.

35. Жамиятда қуйидаги ички назорат органлари фаолият юритади:

-Тафтиш комиссияси;

- Жамият ички назоратини амалга ошириш ваколати берилган Жамият ходими (кейинги ўринда – Жамият ички Назоратчиси);

Корпоратив маслаҳатчи.

Ички назорат тизимини ва хавф-хатарни бошқариш тизимини ишончлилиги ва унумлилиги устидан назоратни, шунингдек Жамиятнинг ички назорат органлари ишини мувофиқлаштиришни **Кузатув кенгашининг Аудит бўйича қўмитаси** амалга оширади.

36. Жамиятнинг бошқа бошқарув ва назорат органлари ва таркибий тузилмалари билан ўзаро муносабатда бўлган ҳолда ***мунтазам жорий ички назоратни амалга ошириш*** Жамият ички Назоратчисиига юклатилади.

## VII. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

37. Жамият фаолиятининг ички назорати Жамият Кузатув кенгаши, Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит бўйича қўмита, Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати, Жамиятнинг Ички Назоратчиси, Корпоратив маслаҳатчи, Ижроия органи раҳбари, шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахслари ва барча босқичлардаги ходимлари томонидан амалга оширилади. Бунда уларнинг ҳар бири ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

38. ***Жамият Кузатув кенгаши*** Жамиятнинг ички назорат йўналишидаги сиёсатини, ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимини ривожлантириш йўналишлари ва стратегиясини, ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимини ташкил этиш тамойиллари ва ёндашувларни белгилайди.

Кузатув кенгаши ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимини ташкил этиш тамойиллари ва ёндашувларни белгилашда ушбу тизимнинг қуйидаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш кўради:

1) Жамиятнинг мақсадларига эришишга оқилона ишончни таъминлаш;

2) молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ва заҳиралардан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш;

3) хатарларни аниқлаш ва уларни бошқариш;

4) Жамият активларининг сақланишини таъминлаш;

5) бухгалтерлик (молиявий), статистик, бошқарув ва бошқа ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

6) қонун ҳужжатларига, шунингдек Жамиятнинг ички сиёсатига, регламентларига ва тартиб-таомилларига риоя этилишини назорат қилиш.

Кузатув кенгашининг ички назоратни амалга ошириш бўйича вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ***Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом***да белгиланади.

***Кузатув кенгаши:***

Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;

Корпоратив маслаҳатчи тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;

Жамиятнинг ички назорат тартиб-таомилларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

Жамиятнинг реал ва бўлажак хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва хатарларни бошқариш бўйича ички ҳужжатларини тасдиқлайди;

Жамиятнинг ички назорат ва ички назорат тартиб-таомилларини мунтазам такомиллаштириш учун масъул бўлган Жамият ички Назоратчисини тайинлайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, аффилланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига мувофиқ аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллашни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, Жамият томонидан йирик битимларни тузиш тартибига мувофиқ Жамият томонидан йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа битим ва операцияларни маъқуллайди;

ҳар чоракда Жамият ижроия органининг ҳисоботларини, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши бўйича ҳисоботларини эшитади;

ҳар чоракда Жамият ички назорат органларининг ҳисоботларини, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши бўйича ҳисоботларини эшитади;

ички назорат тизимида аниқланган қонунбузилишларининг бартараф этилишини назорат қилади;

ҳар йили Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида ўтказилган таҳлил ва Жамият ижроия органи раҳбарининг, Ички аудит хизматининг, Тафтиш комиссиясининг, Жамиятнинг ички Назоратчисиининг доимий ҳисоботларидаги маълумотларга, Жамият ташқи аудиторининг хулосаларига ва бошқа манбалардан олинган ахборотга ва ички назоратнинг барча жиҳатлари бўйича ўз кузатувларига, шу жумладан молиявий назорат, амалиёт назорати, қонун ҳужжатларига риоя этилишига доир назорат, ички сиёсат ва тартиб-таомиллар назоратига асосланган ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолаш натижалари тўғрисида акциядорларга хабар қилади.

Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидаги ҳисоботига Жамият ички назорат тизимининг ҳолати тўғрисидаги ахборот киритилиши зарур.

***Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ*** самарали ички назорат механизмларини жорий этиш мақсадида:

«Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомда унинг таркибига мустақил аъзоларни киритиш талаблари акс этади;

Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда берилади;

Кузатув кенгаши устав фондларида Жамиятнинг улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг бошқарув органларида ўз вакилларини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилайди;

Кузатув кенгаши Жамият ижроия органидан мунтазам равишда Жамиятнинг улуши мавжуд бўлган корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режаларига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот талаб қилади.

39. Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини ва тўлиқлигини, Жамият ички назорат тизимининг ва хатарларни бошқариш тизимининг омилкорлигини ва самарадорлигини назорат қилишни ташкил этиш бўйича жавобгарлик ***Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси***га юклатилади.

Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитасининг ички назоратни амалга ошириш бўйича ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ***Аудит бўйича қўмита тўғрисидаги Низомда*** белгиланади.

***Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси*** ички назоратни амалга ошириш бўйича қуйидаги функцияларни бажаради:

Жамиятнинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш қисми бўйича Жамият ички назорат тартиб-таомилларининг самарадорлигини мунтазам кўриб чиқади, таҳлил қилади ва баҳо беради;

ташқи аудит ўтказилишини назорат қилишни, аудиторлик текшируви бажарилишининг сифатини ва Жамият ташқи аудиторининг хулосаларини баҳолашни амалга оширади;

Жамият ички Назоратчиси ва Жамиятнинг ташқи аудитори ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлайди;

умуман ички назорат тизимини ва хатарларни бошқариш тизимини назорат қилишни амалга оширади;

ички назорат тизимининг аниқланган муҳим нуқсонлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва натижалари ҳақида Жамият Кузатув кенгашини ўз вақтида хабардор қилади;

ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси хатарларни бошқариш жараёни доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

хатарларни бошқариш жараёнларини умумий мувофиқлаштириш;

хатарларни бошқариш жараёнини таъминлаш соҳасида услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг хатарлар портфелини таҳлил қилиш ва тегишли хатарларни бошқаришга нисбатан муносабат ва заҳираларни қайта тақсимлаш стратегияси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

40. ***Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ*** ички назорат тартиб-таомилларини холисона баҳолашни амалга ошириш мақсадида Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси таркибига Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари киритилади.

41. Жамиятнинг ва унинг алоҳида бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти устидан ***даврий кейинчалик*** назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик доимий фаолият кўрсатувчи ички назорат органи – ***Тафтиш комиссиясига*** юклатилади.

Тафтиш комиссиясининг Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ***Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда*** белгиланади.

***Тафтиш комиссияси*** Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича қуйидаги вазифаларни бажаради:

Жамият молия-хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича даврий (йиллик, чораклик) текширувлар ўтказади ва ички назорат тартиб-таомилларининг бажарилишини текширади;

Жамият молия-хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича текширувлар натижаларини, шу жумладан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилишини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

ички назорат тартиб-таомилларини бажаришда аниқланган қоидабузарликлар, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва бартараф этиш натижалари ёки бундай қоидабузарликларнинг бартараф этилмаганлиги ҳақида Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитасини ва Ижроия органи раҳбарини хабардор қилади;

Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитасига ички назорат тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Жамиятда ҳисобот даврида аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Тафтиш комиссиясининг Жамиятда ҳисобот йилида аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқилади.

42. Жамият ва унинг алоҳида бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган молия-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва умуман Жамият Уставига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги устидан ***доимий жорий*** назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик Жамият ички Назоратчисига юклатилади.

Жамият ички Назоратчисининг Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдаги ҳуқуқлари,

мажбуриятлари ва жавобгарлиги Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ***Жамият ички Назоратчиси тўғрисидаги Низомда*** белгиланади.

***Жамият ички Назоратчиси*** Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича қуйидаги вазифаларни бажаради:

ички назорат тизимининг тартиб-таомилларини жорий этади;

ички назорат тизимининг тартиб-таомиллари бажарилишини текширади;

ички назорат тартиб-таомилларининг бир хиллигини, етарлилигини ва самарадорлигини баҳолашни амалга оширади;

Жамият молия-хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ***доимий жорий*** текширувлар ташкил этади ва ўтказади;

Жамият молия-хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича текширувлар натижаларини, шу жумладан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилишини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

ички назорат тадбирларини ўтказишда Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари ходимларининг ишини мувофиқлаштиради;

аниқланган ички назорат тартиб-таомиллари бузилишларининг, шу жумладан Жамият ички меъёрий ҳужжатларини бажармаслик (омилкорона бажармаслик) ҳолларининг ҳисобини юритади;

ички назорат тартиб-таомилларини бажаришда аниқланган қоидабузарликлар, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва бартараф этиш натижалари ёки бундай қоидабузарликларнинг бартараф этилмаганлиги ҳақида аудит бўйича қўмитани ва Ижроия органи раҳбарини хабардор қилади;

Жамият Тафтиш комиссиясининг текширувлари натижасини таҳлил қилади, Тафтиш комиссиясининг текширувлари давомида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажариш назоратини ташкил этади;

аудиторлик текширувлари натижасини таҳлил қилади, аудиторлик текширувлари давомида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажариш назоратини ташкил этади;

ички назорат тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Жамият ички Назоратчиси хатарларни бошқариш жараёни доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

хатарларни бошқариш жараёнини таъминлаш соҳасида услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ички назорат ва хатарларни бошқариш соҳасида Жамият ходимларини ўқитишни ташкил этиш;

хатарлар бўйича йиғма ҳисоботни шакллантириш;

Жамият бўлинмаларининг ва белгиланган тартибда Жамиятнинг назорати остидаги корхоналарнинг хатарларни бошқариш жараёни устидан тезкор назорат юритиш;

Жамият Кузатув кенгашини ва Ижроия органини хатарларни бошқариш жараёнининг самарадорлиги тўғрисида, шунингдек хатарларни бошқариш соҳасидаги сиёсат томонидан назарда тутилган бошқа масалалар бўйича хабардор қилиш.

Жамият ички Назоратчиси ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилишини назорат қилишда белгиланган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот ва ҳужжатларни олган ҳолда, Жамиятнинг бошқа назорат органлари, бошқарув органлари, Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари ва мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорлик юритади.

Жамият ички Назоратчиси ***Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ*** устав капиталининг 50 фоиздан ортиғи Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар бўйича ички назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлади.

43. Жамиятда корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш Жамият Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган Жамият ***Корпоратив маслаҳатчи***сига юклатилади.

Корпоратив маслаҳатчининг ички назоратни амалга ошириш бўйича вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ***Корпоратив маслаҳатчи тўғрисидаги Низомда*** белгиланади.

***Корпоратив маслаҳатчи:***

Жамият акциядорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Жамият бошқарув органлари томонидан корпоратив тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва Кузатув кенгаши аъзоларига қонун ҳужжатлари, Жамият Устави талаблари ва Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш, Жамият тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш(тақдим этиш) каби тартиб-таомилларга тааллуқли бошқа ички ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар тақдим этади.

қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва бошқа ички ҳужжатлар талабларига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш тартиб-таомилларига тегишли тарзда риоя этилишини таъминлайди;

ахборотни ошкор этиш бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этилишини назорат қилади;

корпоратив қонун ҳужжатларининг, шунингдек Жамият Уставининг ва ички ҳужжатларининг барча бузилиш ҳолатлари бўйича Кузатув кенгашини дарҳол хабардор қилади.

44. Жамият ички назорат тизимининг тегишли тарзда фаолият юритиши учун шароит яратиш ва ташкил қилиш бўйича жавобгарлик Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсатга мувофиқ ***Ижроия органи раҳбари*** зиммасига юклатилади.

Ижроия органининг ички назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш бўйича вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ***Жамият Ижроия органи тўғрисидаги Низомда*** белгиланади.

***Ижроия органи раҳбари:***

Кузатув кенгашининг ички назорат тизимини ташкил қилиш соҳасидаги қарорлари бажарилишини таъминлайди;

Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари ўртасида ички назорат ва хатарларни бошқаришнинг муайян тартиб-таомиллари бўйича ваколатларни, мажбуриятларни ва жавобгарликни тақсимлайди;

ички назорат тартиб-таомилларининг амалга оширилишини ташкилий таъминлайди;

Жамият тузилмавий бўлинмаларининг текширув режасини тасдиқлайди;

хизмат текширувларини ўтказиш тўғрисида буйруқлар чиқаради;

текширувлар ва хизмат текширувлари натижаларини кўриб чиқади ва таҳлил қилади;

ички назорат тартиб-таомилларини амалга оширишда аниқланган қоидабузарликларнинг бартараф этилишини таъминлайди;

ички назорат тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича Кузатув кенгашига таклифлар киритади.

Жамият Ижроия органи қуйидагилар бўйича жорий назорат ўтказилишини таъминлаши зарур:

Жамият тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг ҳаракатлари бўйича;

фаолиятни амалга ошириш жараёнида аниқланган хатоликлар, нуқсонлар ва қонунбузилишларни бартараф этиш ва кейинчалик уларнинг юз беришига йўл қўймаслик учун ўз вақтида чоралар кўриш бўйича.

45. ***Ижроия органи раҳбарининг ўринбосарлари ва Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари (мансабдор шахслар) ва барча босқичдаги ходимлари*** ўз функционал вазифаларига мувофиқ уларга ишониб топширилган фаолият соҳаларида ички назорат тартиб-таомилларининг амалга оширилиши учун жавобгар бўладилар.

***Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари*** ўз ваколатлари доирасида:

ички назоратни амалга ошириш стратегиясини батафсил ишлаб чиқишда бевосита иштирок этишади;

ички назорат тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш, ҳужжатлаштириш, жорий этиш, мониторинг юритиш ва ривожлантиришни амалга оширишади;

ички назорат тартиб-таомилларининг бажарилишини амалга оширишади.

Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари вазифасига юзага келган ностандарт вазиятлар ва муаммоларни ўз ваколатлари доирасида ҳал этиш киради. Ходимлар муҳим масалалар ёки муайян битим ёки операция бўйича юзага келган хатарлар тўғрисида Жамиятнинг юқори раҳбариятига хабар қиладилар.

Жамият тузилмавий бўлинмаларининг раҳбарлари улар раҳбарлик қиладиган тузилмавий бўлинмаларда ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришдаги ҳаракатларининг жорий назорат қилинишини таъминлашлари лозим.

Жамият ходимлари барча босқичда ва барча вазифалар бўйича хизмат вазифаларини бажаришда ўз ҳаракатларини ўзлари назорат қилиш йўли билан жорий назорат юритишни таъминлашлари ва мансаб йўриқномаларида ва ички регламентларда назарда тутилган ички назорат тартиб-таомилларини бажаришлари зарур.

Жамиятнинг юридик хизмати Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш йўли билан Жамиятнинг амалдаги фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келишининг жорий назоратини таъминлаши лозим.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тузилмавий бўлинма раҳбари тармоқ ресурслари ва маълумотларнинг амалий базасидан фойдаланиш ҳуқуқига, шунингдек ахборот ва вирус хавфсизлиги регламентларига риоя этилишининг назоратини таъминлаши зарур.

Жамият Ижроия органи хатарларни бошқариш тизими доирасида нуфузни туширувчи хатарларни ва Жамиятга мансабдор шахсларга пора бериш учун жавобгарлик чораларини қўллаш хатарларини камайтирадиган, порахўрликнинг олдини олишга қаратилган чоралар мажмуини назарда тутиши лозим.

Ижроия органи ички назорат тизими ва хатарларни бошқариш доирасида Жамиятнинг исталган ходими ва (ёки) бошқарув ёки назорат органининг исталган аъзоси томонидан қонун ҳужжатларининг, Жамиятнинг ички тартиб-таомилларининг, ахлоқий меъёр ва қоидаларнинг бузилиш ҳоллари тўғрисида Кузатув кенгашини, Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитасини, Ички аудит хизматини хабардор қилишнинг хавфсиз, махфий ва осон усулини (тезкор алоқа) ташкил этиши зарур.

Тегишли ахборотни тақдим этган шахс босим ўтказишнинг ҳар қандай шаклидан (шу жумладан, ишдан бўшатилишдан, таъқиб қилинишдан, дискриминациянинг турли шаклларидан) ҳимояланган бўлиши зарур.

Тезкор алоқа бўйича шунингдек, ички назорат тартиб-таомилларини яхшилаш ва ички назорат ва умуман хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам келиб тушиши мумкин.

46. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик Ижроия органига ва Жамият тузилмавий бўлинмасига ёки Жамият ички Назоратчисига юклатилади.

***Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ:***

Жамият Ижроия органи аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади;

Ижроия органи Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятни ривожлантириш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказади.

## VIII. ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЛАКАСИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

47. Жамият ички назорат органлари аъзоларининг (Тафтиш комиссияси, ички Назоратчи, Корпоратив маслаҳатчи) таркиби ва малакасига бўлган талаблар Жамиятнинг ички назорат органлари фаолиятини тартибга соладиган ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Жамиятнинг тегишли ички ҳужжатларига (Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом, ички Назоратчи тўғрисида Низом, Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида Низом) асосан белгиланади.

48. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси аъзосига бўлган талаблар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Аудит бўйича қўмита тўғрисидаги Низомга асосан белгиланади.

Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси таркибига Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ Кузатув кенгаши таркибига кирадиган Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари мажбурий тартибда киритилиши лозим.

Аудит бўйича қўмита таркибида камида бир мустақил аъзо бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботи тайёрлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва аудит соҳасида тажриба ва билимга эга бўлиши зарур.

49. Ички назорат органлари аъзолари таркибига кирадиган шахсларга қўшимча талаблар Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси томонидан белгиланиши мумкин.

50. Жамият ички назорат тизимининг тегишли тарзда фаолият юритиши, шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимларининг профессионаллик даражасига ҳам боғлиқдир.

Жамият кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш ва ходимларнинг лавозимларини ошириш тизими уларнинг юқори малакага эга бўлишини ва юксак ахлоқий тамойилларга риоя этилишини таъминлаш учун зарур саъй-ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

## IX. ЖАМИЯТ ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ, КУЗАТУВ КЕНГАШИ, МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ ВА ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЮРИТИШ ТАРТИБИ

51. Ички назорат органлари ички назоратни амалга ошириш жараёнида умуман Жамият ички назорат тизимининг самарали фаолият юритишини ва ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари, Жамият акциядорлари, шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари ўзаро ҳамкорлик юритади.

52. Жамият ички назорат органларининг бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши билан, шунингдек Миноритар акциядорлар қўмитаси ва Жамият акциядорлари билан ўзаро ҳамкорлик юритиши қуйидагича амалга оширилади:

а) ички назорат органларининг Жамиятнинг бошқарув органлари муҳокамасига аниқланган қонунбузилишлар тўғрисидаги ахборотни киритиши йўли билан;

б) Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ички назорат органлари ҳисоботларининг мунтазам эшитиши воситаси билан;

в) Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра, Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текширишни ўтказиш йўли билан;

г) акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг мурожаатларини (аризаларини, таклифларини ва шикоятларини) кўриб чиқишда;

д) Жамият ички назорат органларининг акциядорларни сайёр ва шахсий қабул қилишларида.

***Ички назорат органларининг Акциядорларнинг умумий йиғилиши билан ҳамкорлик юритиши***

53. Ички назорат органлари Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида акциядорлар олдида ҳисобот берадилар.

54. Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидаги ҳисоботига унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ***Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси***нинг Жамият томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги ахбороти, шу жумладан Жамиятнинг ички назорат тизими ва умуман хатарларни бошқариш тизими ҳолати тўғрисидаги ахбороти киритилади.

55. Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидаги ҳисоботига шунингдек, ички назорат органларининг, Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ***Жамият ички Назоратчиси***нинг ва ***Корпоратив маслаҳатчи***нинг ахбороти киритилади.

Жамият ички Назоратчисининг ҳисоботи Жамият томонидан, унинг филиаллари ва ваколатхоналари томонидан хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилиши, активларнинг сақланиши, шунингдек Ижроия органи томонидан Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

Корпоратив маслаҳатчининг ҳисоботи Жамият томонидан корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши, Жамият томонидан белгиланган корпоратив тартиб-таомилларга риоя этилиши, акциядорларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

56. ***Тафтиш комиссияси*** Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг ҳисобот йилидаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши тўғрисида ҳисобот беради.

Тафтиш комиссиясининг йиллий текширув натижаларига кўра хулосаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқилади, бу хулосада:

Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига шунингдек, Жамият Тафтиш комиссиясининг Жамиятда ҳисобот йилида аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосаси олиб чиқилади.

57. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси ва Тафтиш комиссияси юзага келган муаммоли масалалар бўйича акциядорларни хабардор қилиш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга ташаббус кўрсатиши мумкин.

***Ички назорат органларининг <u>Кузатув кенгаши</u> билан ҳамкорлик юритиши***

58. Ички назорат органлари Жамият Кузатув кенгаши билан ҳамкорлик юритишади ва мунтазам равишда Кузатув кенгашига ҳисобот беришлари, шунингдек Жамият молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлар ва Жамият фаолиятидаги эҳтимолий хатарлар тўғрисидаги ахборотларни Кузатув кенгашига ўз вақтида киритишлари шарт.

59. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ мунтазам равишда унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборотни, шу жумладан ички назорат тизими ва хатарларни бошқариш тизими ҳолати тўғрисидаги ахборотни Кузатув кенгаши мажлисига киритади.

60. Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ***Жамият ички Назоратчиси***:

Кузатув кенгашини ички аудитни амалга ошириш натижаларига доир ишончли ахборот билан таъминлайди ва Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ички аудит жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш бўйича Кузатув кенгашига ва Жамият Ижроия органига тавсиялар киритади, уларнинг бартараф этилишини назорат қилади;

Жамият томонидан, унинг филиаллари ва ваколатхоналари томонидан хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилиши, активларнинг сақланиши, шунингдек Ижроия органи томонидан Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот беради.

61. Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ***Корпоратив маслаҳатчи***:

Жамият томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишини ва Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш корпоратив тартиб-таомилларига риоя этилишини назорат қилади;

Жамиятнинг корпоратив тартиб-таомилларини таҳлил қилади ва Жамият корпоратив бошқарувининг тизими ва амалиётини такомиллаштириш бўйича Кузатув кенгашига таклифлар тайёрлайди;

корпоратив қонун ҳужжатларининг, Жамият Уставининг ва ички ҳужжатларининг

шунингдек, корпоратив тартиб-таомилларнинг барча бузилиш ҳолатлари бўйича Кузатув кенгашини дарҳол хабардор қилади;

акциядорларнинг мурожаатлари билан ишлашни таҳлил қилиш натижаларига кўра Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисига акциядорлар билан ҳамкорлик юритиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар олиб чиқади;

Жамият томонидан корпоратив қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот беради.

62. ***Тафтиш комиссияси*** Жамиятда ҳисобот даврида аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Тафтиш комиссияси Тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра ўтказилган Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш натижаларини Кузатув кенгашига олиб чиқади.

Тафтиш комиссияси Жамият Кузатув кенгашини Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) Жамият молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари текширувини ўтказиш тўғрисидаги талаби ҳақида олдиндан хабардор қилади.

63. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси, Жамият ички Назоратчиси, Корпоратив маслаҳатчи ва Тафтиш комиссияси Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

***Ички назорат органларининг <u>Жамият акциядорлари</u> билан ҳамкорлик юритиши***

64. Жамиятнинг ички назорат органлари қонун ҳужжатлари, меъёрий актлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатлари, шунингдек Корпоратив бошқарув кодекси томонидан белгиланган акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишини таъминловчи тартиб-таомилларнинг бажарилиши назоратини амалга оширишади.

65. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) қуйидагилар киради:

Кузатув кенгашининг ҳисобот йилида Жамиятни бошқариш бўйича ҳисоботи, шу жумладан:

Кузатув кенгаши қўмитасининг Жамият ички назорат тизими ва умуман хатарларни бошқариш тизими ҳолати тўғрисидаги ахбороти;

Жамият ички Назоратчисининг Жамият томонидан, унинг филиаллари ва ваколатхоналари томонидан хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилиши, активларнинг сақланиши, шунингдек Ижроия органи томонидан Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида

белгиланган талабларга риоя этилиши, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши тўғрисидаги ахбороти;

Корпоратив маслаҳатчининг Жамият томонидан корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши тўғрисидаги ахбороти;

Ижроия органи раҳбарининг ҳисоботи ва Жамиятнинг ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши тўғрисидаги ахборот таркибий қисми ҳисобланган йиллик ҳисоботи;

Жамият Тафтиш комиссиясининг Жамиятнинг ҳисоботларидаги ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларнинг ишончлилиги, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботи ва хулосаси;

Жамият ташқи аудиторининг Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши тўғрисидаги хулосаси.

66. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тегишли тарзда тайёргарлик кўришда акциядорларнинг иштирокини фаоллаштириш мақсадида акциядорларга Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси раиси ва аъзоларига, Тафтиш комиссиясининг раиси ва аъзоларига, Жамият ички Назоратчисига, Корпоратив маслаҳатчига ва Ижроия органи раҳбарига саволлар билан мурожаат қилиш имконияти берилиши зарур.

Шу боисдан Жамият ўзининг корпоратив веб-сайтида юқорида кўрсатилган шахсларнинг алоқа маълумотларини жойлаштириши зарур. Жамият шунингдек, уларнинг Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ҳозир бўлишларини таъминлаши лозим.

67. Акциядорларга шунингдек, Жамият ташқи аудиторига унинг тақдим этилган хулосаси бўйича саволлар билан мурожаат қилиш ва табиийки, берилган саволларга жавоблар олиш имконияти берилиши зарур. Шу сабабдан Жамият ташқи аудитор вакилини Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш учун таклиф қилиши лозим.

68. Жамият акциядорлари йил якунига кўра мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчи томонидан ўтказиладиган ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги хулоса билан танишишлари мумкин.

69. Корпоратив маслаҳатчи:

акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг амалга оширилишини назорат қилади;

Жамият акциядорларига келиб тушган сўровлар асосида ахборотларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилади;

акциядорлардан келиб тушган мурожаатларнинг тегишли тарзда ҳисобга олинишини таъминлайди, мурожаатларни Жамиятнинг тегишли бошқарув ва назорат органларига юборади, шунингдек мурожаатларнинг улар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади;

акциядорларнинг мурожаатларини Кузатув кенгаши раисига, Кузатув кенгаши қўмиталари раисларига ва Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига берилишини таъминлайди.

70. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси акциядорлар ҳуқуқларининг бузилишини, шунингдек Жамият манфаатларига хилоф иш тутилишини юзага келтирадиган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига келиб тушган акциядорларнинг мурожаатларини умумлаштиради ва таҳлил қилади.

71. Корпоратив маслаҳатчи ўз ваколатлари доирасида ёки Жамият Кузатув кенгашининг топшириғи бўйича акциядорлар мурожаатларига жавоблар тайёрлаш учун ички назорат органларидан ва Жамият Ижроия органидан Жамиятнинг ҳужжатларини сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

72. Жамиятнинг ўн фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор аффилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

73. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида Кузатув кенгашига ёзма талаб билан мурожаат қилишга ҳақли.

74. Акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг мурожаат қилиш тартиби (ариза, таклиф, шикоят) ва уларнинг Жамият ички назорат органлари томонидан қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

75. Қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби Жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш, шунингдек Жамиятнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

***Ички назорат органларининг <u>Ижроия органи, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари билан ҳамкорлик юритиши</u>***

76. Жамият Ижроия органи ички назорат тизими тартиб-таомилларини жорий этади ва Кузатув кенгашини Жамиятнинг барча муҳим хатарлари тўғрисида, ички назорат тизимининг муҳим нуқсонлари ҳақида, шунингдек уларни бартараф этиш режалари ва натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиб, унинг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

77. Ижроия органи раҳбари ички назорат органларига Жамият Бошқаруви мажлисларининг баённомалари ва ички назорат органлари аъзоларига уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган Жамиятнинг бошқа ҳужжатлари тақдим этилишини таъминлайди.

78. Жамият ходимлари текширувлар ва хизмат текширувларини ўтказишда ички назорат органларига ёрдам кўрсатишлари зарур.

79. Қонун ҳужжатларининг ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларининг бузилиши, ички назорат тартиб-таомилларининг бузилиши, шунингдек Жамият мижозларига ва Жамиятнинг ўзига Жамият ходимлари ҳаракатлари билан ёки учинчи шахслар томонидан зарар етказилганлиги фактларидан хабар топган Жамият ходимлари бу ҳақда дарҳол ўзларининг бевосита раҳбарларига, шунингдек Жамият ички Назоратчисига хабар қилишлари шарт.

80. Ностандарт вазиятлар (техник узилишлар, компьютер дастурларининг хатолари, ҳужжатлар ва электрон ёзувларнинг йўқотилиши, ҳисоб маълумотлари ўртасидаги тафовутлар, лавозим йўриқномаларида ва Жамиятнинг ички регламентларида кўзда тутилмаган ҳолатлар ва бошқа фактлар) аниқланган тақдирда бу ҳақда дарҳол ўзларининг бевосита раҳбарларига маълум қилишлари шарт. Тузилмавий бўлинма раҳбари ўз навбатида Жамият ички Назоратчисини хабардор қилиши шарт.

81. Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари фаолиятини текширишни ўтказишда ходимлар Жамият ички Назоратчисига ва Тафтиш комиссиясига барча зарур ҳужжатлар ва ахборотлар, шу жумладан электрон (файллар кўринишидаги, маълумотлар базасидан ахборотлар (ёзувлар) ва ҳоказо) ахборотни тақдим этишлари шарт.

82. Жамият ходимлари ўзларининг ҳаракатлари тўғрисида тушунтиришлар, Жамият ички Назоратчисига ва Тафтиш комиссиясига текширув ёки хизмат текшируви ўтказиш давомида аниқланган хатолар, нуқсонлар ва қонунбузилишлар бўйича талаб тақдим этилган кундан эътиборан икки кундан ошмаган муддатда ёзма изоҳлар бериши шарт.

***Ички назорат органларининг ўзаро бир-бири билан ҳамкорлик юритиши***

83. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси ички назорат органларининг ишини мувофиқлаштиради.

84. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси Тафтиш комиссиясининг раисини, Жамият ички Назоратчисини ва Жамият ташқи аудиторининг вакилларини, шунингдек Ижроия органи раҳбари ва Жамиятнинг исталган мансабдор шахсларини зарур ҳолларда ўз мажлисларига таклиф этиши мумкин.

85. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси аудит бўйича қўмитанинг ёки унинг раҳбарининг Жамият ички Назоратчиси билан Жамият ички Назоратчиси ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳар чоракда камида бир марта учрашувини ўтказиши лозим.

86. Кузатув кенгашининг қўмитаси аудит бўйича қўмитанинг ёки унинг раисининг Жамият Тафтиш комиссиясининг раиси билан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра, шунингдек Тафтиш комиссиясининг жамият томонидан аффилланган шахслар билан битимлар тузиши ва йирик битимлар тузилиши бўйича ҳар чоракда камида бир марта учрашувини ўтказиши лозим.

87. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси Жамият томонидан корпоратив қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича Жамият корпоратив маслаҳатчиси билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиши зарур.

88. Жамият ички Назоратчиси Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш давомида Тафтиш комиссияси аъзосини у ёки бу масаланинг ечимини топишга ёрдам кўрсатиш учун жалб этишга ҳақли.

Жамият ички Назоратчиси Жамиятнинг корпоратив қонунчиликка риоя этишини текшириш давомида Корпоратив маслаҳатчини у ёки бу масаланинг ечимини топишга ёрдам кўрсатиш учун жалб этишга ҳақли.

## X. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИДА ҲИСОБОТЛАР ТАРКИБИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ РЕГЛАМЕНТИ

89. Ички назорат органлари томонидан ўз вазифаларини бажаришда қуйидаги турдаги ҳисоблар тузилади:

Қонун ҳужжатлари, ички ҳужжатлар ва ички назорат тартиб-таомиллари бузилиши аниқланганда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот – қонун бузилиши аниқлангандан кейин 2 (икки) иш кунидан кечиктирмай;

чораклик ҳисобот – ҳар бир чорак якунлари бўйича, чорак якунлангандан кейин ўттиз кундан кечикмаган муддатда.

90. Қонун ҳужжатлари, ички ҳужжатлар ва ички назорат тартиб-таомиллари бузилиши аниқланганда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги ахборотни ўз ичига олиши зарур:

а) текшириш асослари ва уни ўтказиш муддатлари;

б) қонун бузилиши содир этилишининг сабаблари ва масъул шахслар доирасини аниқлаш;

в) қонун ҳужжатлари, ички ҳужжатлар ва ички назорат тартиб-таомиллари бузилишини бартараф этиш бўйича таклифлар;

д) келгусида шунга ўхшаш қонун бузилиш ҳолатларидан огоҳлантириш бўйича тавсиялар.

91. Илгари аниқланган, бироқ бартараф этилмаган қонун бузилиши такрорий аниқланган ҳолда қонун бузилишини текшириш бўйича янги ҳисобот тузилмайди. Бунда илгари аниқланган қонун бузилишининг бартараф этилмаганлиги тўғрисидаги ахборот ички назорат органларининг чораклик ҳисоботига киритилиши лозим.

92. Бир хилдаги қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларнинг бузилишлари (битта ва шу каби сабаблар бўйича йўл қўйилган қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларнинг шу каби бир хил талабларининг бузилишлари) тўғрисидаги, шунингдек битта текширишни ўтказиш жараёнида аниқланган ўзаро боғланган қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларнинг бузилиши (агарда битта қонун бузилиши бошқаси сабабли келиб чиқса) тўғрисидаги маълумотлар қонун бузилишини текшириш тўғрисидаги ягона ҳисоботда акс эттирилиши мумкин.

93. Чораклик ҳисобот қуйидаги умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

а) ўтказилган текширишлар сони, аниқланган қонун бузилишлари, тегишли қонун бузилишларга йўл қўйилиш сабаблари ва уларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик бўйича кўрилган чоралар кўрсатилган ҳолда, чорак мобайнида ўтказилган текширишлар;

б) мурожаатлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида (кўриб чиқилган мурожаатлар, аризалар ва шикоятлар сони тўғрисида, мурожаатлар,

аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган қонун бузилишлари, тегишли қонун бузилишларга йўл қўйилиш сабаблари, Жамиятнинг келгуси фаолиятида шунга ўхшаш қонун бузилишларни бартараф этиш ва огоҳлантириш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида);

в) қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар қоидалари талабларининг бузилишидан огоҳлантириш бўйича тавсиялар;

г) Жамият томонидан амалга ошириладиган операциялар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар тўғрисида;

д) манфаатлар тўқнашувини ва хизмат ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ҳақида;

е) Жамият фаолияти билан боғлиқ хатарларни камайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш тўғрисида.

94. Чораклик ҳисоботга Жамият ходимларининг малакасини ошириш, ички назорат тизимини ташкил қилишни яхшилаш бўйича тавсиялар, шунингдек бошқа ахборотлар киритилиши мумкин.

95. Ҳисоботларни тақдим этиш регламенти:

а) ходимлар томонидан – тузилмавий бўлинма раҳбарига, ҳисобот тузилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан;

б) тузилмавий бўлинма раҳбарлари томонидан – Ижроия органи раҳбарига, ҳисобот тузилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан;

в) Ижроия органи раҳбари томонидан – Кузатув кенгашига ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига, ўзининг чораклик ва йиллик ҳисоботларида Жамият ички ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда;

г) Жамият ички Назоратчисидан – Ижроия органи раҳбарига, Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитасига, Кузатув кенгашига текширув туридан (фавқулодда, режали) ва ҳисоботни тақдим этиш муддати характеридан келиб чиққан ҳолда:

фавқулодда текширувлар бўйича – ҳисобот тузилган кундан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда;

режали текширувлар бўйича - Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда;

фавқулодда текширувларни Жамият ички Назоратчиси ёки Жамиятнинг бошқарув органлари ташаббусига кўра ушбу текширишларни ўтказиш учун қабул қилинган фармойиш ҳужжатларида белгиланган муддатларда;

д) Тафтиш комиссияси томонидан – Акциядорларнинг умумий йиғилишига, Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда фавқулодда текширувларни Тафтиш комиссияси ёки Жамиятнинг бошқарув органлари ташаббусига кўра ушбу текширишларни ўтказиш учун қабул қилинган фармойиш ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказган ҳолларда;

е) Корпоратив маслаҳатчи томонидан – Жамият Кузатув кенгашига Жамият томонидан корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича, Жамиятнинг ички ҳужжатларила назарда тутилган муддатларда;

ж) Жамият Кузатув кенгаши томонидан – Акциядорларнинг умумий йиғилишига, Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда.

96. Ички назорат органларини текшириш бўйича ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар Жамиятнинг қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланади ва агарда қонун ҳужжатларида узоқроқ муддат белгиланган бўлмаса, беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланиши лозим.

## XI. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ МОНИТОРИНГИ ВА ЖАМИЯТДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УЧУН МУСТАҚИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТАШКИЛОТЛАР – МАСЛАҲАТЧИЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ТАРТИБИ

97. Ички назорат тизими мониторинги – Жамият ички назорат тизими ишининг самарадорлигини баҳолаш учун ахборот тўплашдир.

98. Жамиятнинг ички назорат тизими мониторинги қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

умуман муайян бир вақтдаги давр учун ички назорат тизими иши сифатини баҳолаш;

ички назорат органларининг иши сифатини баҳолаш;

ички назорат тизимининг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришни таъминлаш қобилиятини аниқлаш;

Жамиятнинг мақсадларига эришишга таъсир кўрсатадиган хатоларнинг юзага келиш эҳтимоллигини белгилаш;

ушбу хатоларнинг муҳимлик даражасини аниқлаш;

ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

99. Мониторинг тартиб-таомиллари даврий баҳолаш кўринишида узлуксиз бажарилиши мумкин.

100. Жорий узлуксиз мониторинг ва ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш мезонларини шакллантириш ички назоратнинг барча субъектлари - Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси, Тафтиш комиссияси, Жамият ички Назоратчиси, Корпоратив маслаҳатчи, Ижроия органи, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан амалга оширилади.

101. Жамият ички назорат органлари ишини ҳар чоракда даврий баҳолаш Кузатув кенгаши томонидан Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини, Жамият ички Назоратчиси ва Корпоратив маслаҳатчининг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш йўли билан амалга оширилади.

102. Ҳар йили Жамият ички назорат тизими фаолиятининг самарадорлигини даврий баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчи жалб этилади.

103. Жамиятда йил якунларига кўра ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш шунингдек, Жамиятнинг ташқи аудитори томонидан йил якунларига кўра аудит ўтказиш тўғрисидаги шартнома доирасида профессионал консалтинг хизматларини кўрсатиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчи Жамиятнинг ташқи аудиторини танлаш тартибидагидек танлов асосида жалб этилади.

104. Жамият бошқарув органларининг қарорига кўра мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчи ёки Жамиятнинг ташқа аудитори ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолашни ҳар чоракда – биринчи чорак, ярим йиллик ёки тўққиз ой якунларига кўра амалга ошириши мумкин.

***Ички назорат тизимининг самарадорлигин баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:***

1) бизнес-жараёнлар, лойиҳалар мақсадининг ва тузилмавий бўлинмалар фаолиятининг Жамият мақсадларига мувофиқ келиши таҳлилини ўтказиш, фаолиятнинг бизнес-жараёнлари ва ахборот тизимларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини, шу жумладан ҳуқуққа қарши ҳаракатларга, суистеъмолликлар ва порахўрликларга қарши ҳаракатлар тартиб-таомилларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини текшириш;

2) бухгалтерлик (молиявий), статистик, бошқарув ва бошқа ҳисоботларнинг ишончлилиги таъминланганлигини текшириш, бизнес-жараёнларда Жамият тузилмавий бўлинмаларининг фаолияти натижалари кўзланган мақсадларга қай даражада мувофиқ келганлигини белгилаш;

3) кўзланган мақсадларнинг бажарилганлиги (эришилганлиги) даражасини таҳлил қилиш учун Ижроия органи томонидан белгиланган мезонларнинг бир хиллигини аниқлаш;

4) ички назорат тизимининг Жамиятга кўзланган мақсадларга эришиш имконини бермаган (бермаётган) нуқсонларини аниқлаш;

5) Жамият томонидан бошқарувнинг барча босқичларида амалга оширилаётган ички назорат тизимини такомиллаштириш, ундаги бузилиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни жорий этиш (амалга ошириш) натижаларини баҳолаш;

6) заҳиралардан фойдаланишнинг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини текшириш;

7) активларнинг сақланиши таъминланганлигини текшириш;

8) қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва ички ҳужжатлар талабларига риоя этилишини текшириш.

***Хатарларни бошқариш тизимининг самарадорлиги ўз ичига қуйидагиларни киритади:***

1) хатарларни самарали бошқариш учун хатарларни бошқариш тизими элементларининг етарлилиги ва етуклигини текшириш (мақсадлар ва вазифалар, инфратузилма, жараёнларни ташкил этиш, меъёрий-услубий таъминот, хатарларни бошқариш тизими доирасида тузилмавий бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳисобот);

2) Жамият раҳбарияти томонидан бошқарувнинг барча босқичларида хатарларни баҳолашнинг аниқлиги ва аниқлашнинг тўлиқлигини текшириш;

3) хатарларни бошқариш бўйича назорат тартиб-таомилларининг ва бошқа тадбирларнинг самарадорлигини, шу жумладан ушбу мақсадларга ажратилган ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини текшириш;

4) амалга ошган хатарлар (ички аудиторлик текширувлари натижасида аниқланган бузилишлар, кўзланган мақсадларга эришмаганлик фактлари, суд текширувлари фактлари) тўғрисидаги ахборотнинг таҳлилини ўтказиш.

105. Ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимининг барча босқичлари бутун тизимнинг ёки назоратнинг алоҳида тартиб-таомиллари ва воситалари ишончлилигининг тегишли баҳосини кўрсатган ҳолда, тегишли тарзда ҳужжатлаштирилиши лозим.

106. Мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчининг ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳисоботи ўз ичига Жамият ички назорат тизимининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, камчилик ва бузилишларни бартараф этиш бўйича таклифларни, шунингдек ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича тавсияларни олади.

107. Мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчининг ёки Жамият ташқи аудиторининг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашга доир ҳисоботи Кузатув кенгашининг йил якунлари бўйича ҳисоботининг ва Жамият йиллик ҳисоботининг таркибий қисми ҳисобланади.

108. Мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчининг ёки Жамият ташқи аудиторининг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашга доир хулосаси Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига олиб чиқилади.

109. Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси томонидан Мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчининг хулосасига асосан аниқланган нуқсонлар ва бузилишларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади, шунингдек ички назорат органларининг бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш йўли билан мониторинг юритилади.

## XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИГА ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚ ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

110. Жамиятнинг ички назорат органларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) ички назорат органларининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

111. Ички назорат органларининг аъзоларига ҳақ ва компенсациялар ҳисоблаш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Жамиятнинг тегишли ички ҳужжатларига асосан белгиланади.

112. Жамиятнинг ички назорат органлари аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчи ёки Жамият ташқи аудитори томонидан ўтказиладиган ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## XIII. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

113. Жамият корпоратив веб-сайтида қуйидаги ахборотларни жойлаштиради:

ушбу Низом, шунингдек унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, тегишли қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин 5 (беш) иш куни ичида;

Жамият ички назорат органларининг шахсий таркиби ҳақидаги маълумотлар;

Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси раиси, Тафтиш комиссияси раисининг, Жамият ички Назоратчисининг ва Корпоратив маслаҳатчининг алоқа маълумотлари;

мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчининг Жамиятда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашга доир йиллик хулосаси;

Кузатув кенгаши аудит бўйича қўмитасининг Жамият ташқи аудитори томонидан тақдим этилган аудиторлик хулосаларини баҳолаш тўғрисидаги ахбороти.

## XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

114. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Низомни тасдиқлаш бўйича қарори Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

115. Ушбу Низомга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг, Кузатув кенгаши аудит бўйича қўмитасининг, Тафтиш комиссиясининг, Жамият ички Назоратчисининг, Корпоратив маслаҳатчининг ва Жамият Ижроия органи раҳбарининг таклифига мувофиқ киритилиши мумкин.

Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича қарори Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

116. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.

**«O'ZSUVLOYIHA» АЖ**
**Бош директори** **М.Наджимов**